

8-28-2019

Development of the lyric hero in the poetry of Hamza Hakimzade

Y. Solijonov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Solijonov, Y. (2019) "Development of the lyric hero in the poetry of Hamza Hakimzade," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 13.

DOI: 8-1/-9+082.2

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК: 8-1/-9+082.2

Ҳамза Ҳакимзода таваллудининг 130 йиллигига

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ҚАҲРАМОННИНГ ТАКОМИЛЛАШУВ
ЖАРАЁНИПРОЦЕСС СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИРИЧЕСКОГО ГЕРОЯ В ПОЭЗИИ ХАМЗЫ
ХАКИМЗАДЕ

DEVELOPMENT OF THE LYRIC HERO IN THE POETRY OF HAMZA HAKIMZADE

Й.Солижонов

Аннотация

Мақолада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” номли шеърий тўпламларида лирик қаҳрамонларнинг такомиллашув жараёни таҳлил этилган. Шоир маҳоратига хос жиҳатлар ёритилган.

Аннотация

В статье анализируется процесс эволюции лирического героя в «Сборнике национальных стихотворений для национальных песен» Хамзы Хакимзаде Ниязи, раскрываются специфические аспекты мастерства поэта.

Annotation

In the article the process of evolution of lyric hero in the collection of “national poems for national songs” of Hamza Hakimzoda Niyaziy are analysed. It reveals the specific aspects of the mastership of poet.

Таянч сўз ва иборалар: лирик қаҳрамон, мажмуа, оҳанг ва ранг, мустамлака сиёсати, руҳият, банд, тафаккур босқичлари, миллий уйғониш.

Ключевые слова и выражения: лирический герой, сборник, мелодия и цвет, колонизаторская политика, психологизм, строфа, ступени мышления, национальное возрождение.

Keywords and expressions: lyric hero, collection, melody and color, colonists policy, psychologism, verse, the stages of thought, national renaissance.

Шеъриятда иждокорнинг ғоявий-бадий ниятини ўқувчига етказишда лирик қаҳрамон ҳар доим муҳим ўрин тутди. Одатда санъаткорнинг иждодий тажрибаси, илмий-бадий тафаккури ўсиб-улғайиб, янгиланиб боргани сари лирик қаҳрамон дунёқараши ҳам ўзгариб, камолга етиб бораверади. Шу боис мутахассислар лирик қаҳрамон – бу, шоирнинг ўзи, деган фикрни яқдиллик билан илгари сурадилар. Бу фикр муҳаққақ эканлигини Ўзбекистон халқ ёзувчиси, оташнафас шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 7 та бўлимдан иборат “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” мисолида ҳам исботлаш мумкин. Ушбу мажмуани алоҳида ажратиб олишимизнинг сабаби шундаки, ундаги ҳар бир тўпلامнинг лирик қаҳрамони турли қиёфаларда ва ўзига хос тафаккур эгаси сифатида намоён бўлади [1].

Аёнки, ўтган асрнинг 10-йилларидан бошлаб мустамлакачи чор Русиясининг зулми ниҳоятда кучайди. Айниқса, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва пахта асосан Туркистон ўлкаларидан ташиб кетила бошланди. Бу эса халқнинг аҳволини кун сайин ёмонлаштирди. Бу пайтда ўз халқининг чинакам жонкуяри, миллатпарвар фарзанди сифатида улғайган Ҳамза Ҳакимзода унинг бошига тушаётган кўргуликларга бепарво қараб туролмасди. Натижада шоир шеърларида она халқининг ҳамдарди, унга тўғри йўл кўрсатиш истаги билан ёнган лирик қаҳрамон образи қатъий шакллана

бошлади. Ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгиланишларнинг ҳар бири бу лирик қаҳрамон тафаккурида сифат ўзгариши ясайди. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши арафасида Ҳамза Ҳакимзода ижтимоий ҳаётда юз бераётган синфий табақаланиш, фақирлик ва иллатларнинг туб сабабларини чуқур англаб ета бошлади. Энди унинг дунёқарашида зулми тағ-томири билан йўқотиш, юртда адолат ва маърифатни барқарор қилишнинг ягона йўли жамиятни ўзгартиришдир, деган фикр қатъий шаклланади. Натижада, унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон энди қашшоқликдан шунчаки шикоят қилиш, ғам-ҳасрат юкидан нолиш билангина чекланиб қолмайди, балки унга қарши кескин исён кўтариш даражасига етади. Шоир иждодига хос исёнкорлик руҳи, айниқса, Биринчи жаҳон уруши йилларида янги босқичга кўтарилди. Ўз даврининг зийрак кўз-қулоғи бўлган жанговар санъаткор атрофида юз бераётган ижтимоий воқеаларнинг туб моҳиятини тез илғаб олди. Бу жиҳатдан шоирнинг еттита бўлимдан иборат “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”нинг ҳар бирида намоён бўлган лирик қаҳрамон тафаккуридаги сифат ўзгаришларни босқичма-босқич кўриб чиқиш ибратлидир.

Маълумки, мажмуанинг биринчи китоби номланмаган. Қолган олтитаси тартиб билан “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Яшил гул”, “Сариқ гул”, “Пушти гул”, “Сафсар гул”, деб аталган. Лекин ушбу асарлар ўрин олган 5 жилдлик “Тўла асарлар

Й.Солижонов– филология фанлари доктори, профессор.

тўплами”нинг 2-жилдида қуйидагича изоҳ берилади: “Ҳамза ўзи тўплаган халқ куйларидан 30тасига шеър ёзган. Унинг бу шеърлари 1915-1917 йилларда “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”, деган умумий ном остида “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Пушти гул”, “Сариқ гул”, “Яшил гул”, “Сафсар гул”, “Атир гул” каби тўпламлар ҳолида босилиб чиққан” [1,466]. Демак, номланмаган илк тўпламни “Атир гул” деб атасак, тўғри бўлади. Чунки бу гул гўзаллиги билан ҳам, ҳиди билан ҳам бошқа гуллардан фарқ қилади. Қолаверса, унинг тароватли ҳиди ўзга гулларда ҳам сезилади.

Мажмуанинг ҳар бир бўлими мазмунан лирик қаҳрамон - шоир онгидаги маълум бир мақсадни, ғоявий ниятини ифодалашга бўйсундирилган. Уларда шоир кўшиқ баҳонасида халқнинг кўзини очишга интилади, миллатнинг ўзлигини англашга чақиради. Кўшиқ оҳанги ҳам ижодкор мақсадини етказишга қараб танланган. Масалан, биринчи ва тўртинчи бўлимларнинг оҳанги ниҳо, илтижо, ачиниш ва, ҳатто, киноя билан тўйдирилган. Чунки ушбу бўлимлардаги ашулалар матни асосан тингловчига мурожаат тарзида айтилади. Уларда ўз халқини жондидан севган лирик қаҳрамон илм ўрганмай, ўзлигини англамай яшаётган халқнинг тақдирига ачинади. Ашула мазмунига сингдирилган илтимос оҳанги билан уни уйғотмоқчи бўлади.

Мажмуаларнинг “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Сариқ гул” ва “Пушти гул”, деб аталган бўлимларида оҳанг аввалгиларга нисбатан қатъийлиги, кескинлиги билан ажралиб туради. Чунки улардаги ашулаларнинг оҳанги мазмунан озодлик учун курашга чақириқ руҳи билан суғорилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адабиётнинг тарбиявий вазифасини чуқур англаган Ҳамза Ҳакимзода оҳанг танлашда ҳатто гулларнинг рангини ҳам ҳисобга олганини ёки рангларга мос оҳанг танлашга эришганлигини англаш қийин эмас. Масалан, яшил ранг халқ орасида маъсумлик, ибо, назокат рамзи эканлиги аён. Шу боисдан “Яшил гул” тўпламидан ўрин олган ашулалар оҳанги ниҳо, илтимос, илтижо оҳанги билан йўғрилган. Қизил ранг эса одатда дағал, ғолибона юриш рамзи сифатида қабул қилинган. Шунинг учун “Қизил гул” мажмуасида кўшиқлар оҳанги кескин ва қатъийдир. “Сариқ гул”да мурожаат оҳанги кучли бўлса, “Пушти гул” рангига мос равишда кўп овозли ашулалардан иборат. Уларни хор бўлиб куйлаш кўпроқ наф келтиради.

Мажмуанинг биринчи китоби учун танланган лирик қаҳрамон шоирнинг ўзидир. Ундан миллатпарвар ижодкор Ҳамза Ҳакимзоданинг “Йиғла, Туркистон”, “Кўзни очинг, қардошлар”, “Дармон истариз”, “Миллат деганларнинг оқар кўз ёши”, “Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон”, “Тору мор этдинг”

сингари миллатни уйғотиш, ўзлигини англашга чақириқ руҳи билан суғорилган олтига шеърини олган. Уларда илгари сурилган бош ғояни шоирнинг “Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор, Ёз ўтуб, қиш келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор” деган аламли сатрларидан англаш мумкин [1,14]. Умуман, бошига ғамташвиш, кулфат тоши ёғилаётган ва шу туфайли мудом кўз ёши тўкаётган миллат тақдири, унинг эртаси ҳақида “Қон ютиш, қон йиғлаш” Ҳамза шеърларининг лирик қаҳрамони учун бош хусусиятдир.

Кейинги тўпламларда лирик қаҳрамон гоҳ тақдирга тан берувчи художўй банда, гоҳ ўз аҳволини англашга интилаётган шахс, гоҳ маърифатпарвар ва охири исёнкор курашчи сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан мажмуанинг “Сафсар гул”, деб аталган 7-бўлими ибратлидир. Шоир мардикорлар ҳаётига бағишланган ушбу тўпламдаги шеърлар мазмунини ўқувчига янада равшанроқ англаш учун унга “Ватан ишчиларининг забун ҳолидан” дея тагсарлавҳа қўяди. Чиндан ҳам мардикорликда хизмат қилаётган йигитларнинг аҳволи ғоятда оғир эди, уларнинг аянчли қисматини шоир ҳар бир шеърда ўзига хос оҳанг билан баён қилади. Унда уч хил лирик қаҳрамон кўзга ташланади. Уларнинг биринчиси шоирнинг ўзи, иккинчиси мустамлакачи ҳукуматнинг маҳаллий вакили – юзбоши бўлса, учинчиси мардикордир.

Ушбу тўпламга “Қаҳрамон аҳли Ватан”, “Пешонамиз тор экан”, “Қаттиқ тегма менга мунча юзбошим”, “Оға, соғ борсангиз аввал” мисралари билан бошланадиган тўртта шеър киритилган. Уларнинг ҳар бири мазмунан лирик қаҳрамон психологиясини босқичма-босқич очишга хизмат қилади. Биринчи шеърнинг лирик қаҳрамони бевосита шоирнинг ўзи бўлиб, у Ватан тақдири учун курашаётган, унинг “хуршид иқболига имкон” излаётган қаҳрамонларга “бу Ватан душманига бер завол”, деб мурожаат қилади. Кейинги кўшиқ лирик қаҳрамон – юзбоши тилидан баён қилинган. Умуман, кейинги учта шеър икки жабрдийда – юзбоши билан мардикорнинг дуэти-айтишувига ўхшайди. Масалан, “Пешонамиз тор экан” сатри билан бошланган шеърда мардикорни уйғотаётган юзбошининг нутқида дўқ-пўписадан кўра кўпроқ ялиниш, илтижо, ҳамдардлик, йигитнинг кўнглини кўтаришга интилиш оҳанги устун туради. Бинобарин, бу юзбошининг ўзи ҳам аслида шу минглаб ўзбек мардикорларининг биридир, унинг ҳам “Пешонаси тор, тақдирига шу кунлар ёзилган” бўлиб, у ҳам ўзгалар сингари ўз юртидан, ота-онаси, ёру биродарларидан айри тушиб, азоб чекаётгани аён. Аммо эгаллаган мавқеига кўра унинг психологиясида бу кўргуликларга айбдор подшо ва жамият эмас, балки Оллоҳнинг пешонага битган қисматидир.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шундай экан, қўл остидаги меҳнаткаш йигитларга:

Бузуқ ўйни ташлагил,
Кундуз ишинг ишлагил.
Кечалар намозинг ўқиб,
Тангрига кўз ёшлагил [1,87],

деб насиҳат қилиш билан чекланади.

Ажабки, юзбошининг нутқида бирон марта ҳам “Ватан, юрт, миллат, халқ, ота-она, соғинч” каби сўзлар учрамайди. Чунки у бу ерда мустамлакачи ҳукумат вакили, маъмурларнинг иш юритувчиси сифатида нутқ сўзлаяпти. Бундай сўзларни тилга олишга унинг ҳаққи йўқ. Аксинча, юзбошига жавоб тарзида ёзилган кейинги икки шеърда мардикор бу ибораларни мўл-кўл истифода этади. Шуниси муҳимки, ҳар бир кўшиқ оҳанги лирик қаҳрамон руҳияти ва ҳолатига мос равишда жаранглаши билан аҳамиятлидир. Масалан, юзбошининг кўшиғи ялинчоқлик, илтижо, иккиланиш, эҳтиёткорлик оҳанги билан суғорилган бўлса, аксинча, мардикор монологи ўзининг исёнкорлик руҳи билан ажралиб туради. У энди ўзининг хўжайинига *“Қаттиқ тегма менга мунча юзбошим, Оқизма кўп ғамим узра кўз ёшим. Юрак-бағрим ўзи ҳадсиз эзилган, Юрту ватан, элларимни соғиниб* [1,88], дея рад жавобини бера олиш даражасига кўтарилган олган шахс сифатида намоён бўлади.

Ушбу шеърда лирик қаҳрамон тафаккури босқичма-босқич такомиллашиб боради. Ҳар бир банд лирик қаҳрамон – мардикорнинг ўзлигини англаши, ватанпарварлик туйғусининг тўлқин уриши, исёнкорлик кайфияти, ички дунёсидаги ўзгаришларни исботлашга бўйсундирилади. Агар илк бандда мардикор йигитнинг “юрак-бағри ҳадсиз эзилган”лиги унинг дунёқарашидаги биринчи босқич (ўз ҳолатини англаш, баҳолаш) бўлса, кейинги бандларда ифодаланган “чексиз ғам, ғурбат, соғинч туфайли дили қонга тўлган”лиги иккинчи босқичдир (курашчанлик истагининг пайдо бўлиши). Зеро, дилнинг қонга тўлиши сабр косасининг тошганидан далолатдир. Бу ҳолатини лирик қаҳрамон “Тоқатим йўқ асло чидаб турарга”, деган мисра орқали англатади. Тоқатнинг тоқ бўлиши зулм

пичоғининг суякка бориб тақалганини англатади ва лирик қаҳрамон энди озодлик учун курашга отланганлигини маълум қилади. Шеърнинг сўнги бандидаги “Қачон озод бўлур, Тангрим, бошимиз, Ватан бориб курур кўздан ёшимиз”, деган хитоби (4-босқич) лирик қаҳрамоннинг инқилобий онги энг юқори босқичга кўтарилганини, унинг юрт озодлиги, эрки учун курашга отланганлигини исботлайди.

Шоирнинг “Оға, соғ борсангиз аввал” мисраси билан бошланган шеъри юқоридаги руҳий кайфиятнинг мантикий давоми бўлиб, унда озодлик баҳорга қиёсланади ва лирик қаҳрамон “гулу боғлар очилгунча» она юртига етиб боришга ишонч билдиради. Шеърда лирик қаҳрамоннинг айрилиқ туфайли тортаётган азоби нечоғлик англашилиб турмасин, аҳволи қанчалик оғир бўлмасин, барибир, кайфиятида умидсизлик, тушкунлик сезилмайди. Мардикорлик қисмати уни ўйлашга, бу жабр-ситамлар кимдан, қаердан келаётгани ҳақида бош қотиришга ундайди. Ушбу шеърда лирик қаҳрамон – мардикор ўзининг аянчли қисматига, оғир аҳволга тушишига сабаб бўлган омилларни қидиради. Бу омилларнинг биринчиси илмсизликдир (*“Илмсизлик биза охир Кетурди бунча савдолар. Эсак дониш эли, ўлмас Эдик биз бунча расволар”*). Иккинчи сабаб илмсизлик туфайли келиб чиққан қўрқувдир. Негаки, илмсиз одамни қўрқитиш осон, қўрқоқни эса хоҳлаганча эзиб ишлатиш мумкин. Гарчи “Бобомиз қаҳрамон ўтган”, деб фахрланса-да, “ерли маъмурлар қўрқувга ўргатган”лигидан шикоят қилади [2,93].

Умуман, мажмуанинг ҳар бир тўпламидаги шеърларда лирик қаҳрамон – шоирнинг руҳияти чуқур ва ишонарли очилади. Бу жараёни илмий жиҳатдан босқичма-босқич ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳозирги адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай тадқиқотлар, ишонамизки, XX асрнинг ғоят мураккаб ҳисобланган биринчи чорагида шиддат билан яшаган ва ижод қилган улуғ санъаткор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг поэтик қиёфасини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Т.: Фан, 1988.
2. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлари тўплами. 5 томлик. 2-том – Т.: Фан, 1988-1989.